

# ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил “05” 01

57/4 -сон

Зарафшон шаҳар

(шартнома тузилган манзил)

“Навоий худудий электр тармоклари корхонаси” АЖ (кейинги ўринларда “Корхона” деб аталади)нинг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари Б.Х.Исломов, бир тарафдан ва Зарафшон шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази

(Электр энергияси истеъмолчисининг номи)

(кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) нинг устав асосида фаолият юритувчи раҳбари Э.Х.Махмудов, иккинчи тарафдан,

("Истеъмолчи" раҳбарининг номи Ф.И.Ш.)

мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар.

## I. Шартнома предмети

Ушбу шартнома билан “Корхона” тармоклари орқали электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) “Истеъмолчи”га етказиб бериш, “Истеъмолчи” эса истеъмол қилинган энергия хаққини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олади.

## II. Етказиб берилган энергия ҳисоби

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

актив 6 000 кВт.с., реактив \_\_\_\_\_ кВар.с. ташкил этади.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 тариф бўйича тариф турни: табакалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) 2 700 000 (икки миллион етти юз минг) сўмни ташкил этади.

2.3. Истеъмолчининг ойлар кесимида бўлинган йиллик энергия ҳажми ушбу шартноманинг 1 иловасида келтирилган.

2.4. “Истеъмолчи” томонидан ҳақ тўланиши лозим бўлган хақиқий қабул қилиб олинган энергиянинг ҳажми ҳисобга олиш асбобларининг (кейинги ўринларда- ҳисоблагиҷлар деб аталади) кўрсаткичлари асосида ушбу шартноманинг

2-иловасида назарда тутилган тартибда аниқланади.

2.5. Вазирлар Маҳкамасининг 24.12.2008 йилдаги 277-сонли қарори 1 иловасида белгиланган рўйхат асосида табиий монополия субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатиладиган истеъмолчилар учун энергияни минимал йиллик ҳажми 6 000 кВт/соат ташкил этади.

## III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табакалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 қарори билан тасдиқланган рўйхат бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тегишли тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” (бюджет ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан молиялаштирилладиган насос станциялари бундан мустасно) энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вактларининг табакалаштирилган тарифи бўйича амалга оширади.

Табакалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тифиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – ўрнатилган тариф бўйича; тифиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6-00 дан 9-00 гача, кечки энг катта миқдор соат 17-00 дан

22-00 гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда ўсуви коэффициентни кўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 6-00 гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар миқдорда камаючи коэффициентни кўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухидаги “Истеъмолчи”ларнинг бир ставкали тарифига мувофиқдир.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган “Истеъмолчи”га энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган “Истеъмолчи”га энергияни реализация қилиш нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи “Истеъмолчи” учун Хукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар қўлланилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади, яъни ҳисобот ойнинг 1-санасидан кейинги ойнинг 1-санасигача.

3.4. “Истеъмолчи” ҳар ойда “Корхона”нинг ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзib олади ва ушбу шартноманинг З-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисоботни тузади.

Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида худудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича ойнинг 25-санасидан 30-санасига бўлган муддатда ўз қўли билан, факсмил,, электрон ёки поча алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот, истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб ҳисобланади, яъни

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлиқ ҳажмидан ташқари, алоҳида-алоҳида тифиз, яrim тифиз ва тунги пайтлардаги ҳажмлари ҳам аниқланиши ва кўрсатиб ўтилиши шарт.

3.5. Энергия сарфи бўйича ҳисобот асосида “Корхона” ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади, 5 кун ичидан тўлаш учун ҳисоб фактура ва тўлов ҳисоб варагини ёзib беради. “Истеъмолчи”да турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда, ҳар бир тариф гурухи кўрсатилган ҳолда ўумумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.6. Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш, улар томонидан келгуси ҳисобот даври бошлангунча шартномавий миқдорнинг 100 фойзи миқдорида олдиндан ҳақ тўлангандан кейин амалга оширилади, яъни “истеъмолчи”га энергияни етказиб бериш ойнинг 10-санасигача ҳисобот ойи ва келгуси ой учун шартномада белгиланган 100 фойзлик миқдор учун олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилган тақдирда, электр энергия узатилади, акс ҳолда ҳар ойнинг 11-санасидан бошлаб истеъмолчилар тармоқдан ажратилади.

3.7. Тарифлар ўзгарганида “Истеъмолчи” етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истеъмол қилинган энергия учун янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.8. Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг электр тармоқлари баланс мансублилиги ва фойдаланиш бўйича масъуллигини тақсимлаш бўйича далолатномага мувофиқ аниқланадиган электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмагандан, электр тармоғининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширувчи 750 кВА ва ундан юқори бўлган қувватга уланган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиши сутканинг тифиз, яrim тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб ёки ўумумий технологик сарф миқдоридан келиб

чиқиб ҳар бир давр учун мутоносиб равишда ҳисоблаб, жами олинган энергия ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳисоб варагини ёзиш учун мутоносиб равишда қўшиб борилади.

3.9. Ҳисоблагичлар кўрсаткичи ёзиб олинмаган ёки энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот “Истеъмолчи” томонидан тақдим этилмаган тақдирда, “Корхона” томонидан энергия истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун энергия истеъмолининг амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб қилишга ҳақли, бу ҳакда “Истеъмолчи”нинг ҳисоб варагида тегишли равишда қайд қилинади.

Ҳисоблагичлар кўрсаткичи назорат тартибида “Корхона” вакили томонидан ёзиб олингандан кейин “Корхона” томонидан амалда истеъмол қилинган энергия учун белгиланган тартибда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3.10. “Истеъмолчи”нинг энергия учун тўловлар, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергия қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

“Истеъмолчи”нинг айби билан ушбу шартномада кўрсатилган энергия ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.11. Шартномада келтирилган ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилинганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқча истеъмол қилинган энергиянинг жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

3.12. “Истеъмолчи” “Корхона” билан биргаликда ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.13. “Истеъмолчи”ни электр тармоқларидан узиш қуидаги ҳолларда амалга оширилади:

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

“Корхона” талабномалари ижро этилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисоблагичлар кўрсаткичларини олиш ва ҳисоблаш тизими уланиш занжирини текшириш учун рухсат этилмаганда;

ҳисоблагичлар қасдан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максадида уларга ташқаридан аралашилганда;

электр тармоқларига ноқонуний уланиш, талон-торож қилиш ёки Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.14. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб “Истеъмолчи”ни конун хужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.15. Истеъмолчи тармоқка унинг томонидан қоидабузарлик ҳолати бартараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш хақининг ўн баробари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг қайта уланади (ЭНҲАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно, ЭНҲАТга уланган истеъмолчи дегани: масофадан тармоқдан ажратиш имкони бор истеъмолчилардир).

3.16 Истеъмолчи етказиб берилган энергия учун ўз вақтида(шартномада белгиланган муддатларда) тўламаса, Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида (Энергия махсус тартибда етказиб берувчи корхоналар учун 0,2фоиз) лекин муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

IV. Томонларнинг хукуқ ва мужбуриятлари

#### IV. Томонларнинг хуқук ва мажбуриятлари

##### 4.1. “Истеъмолчи” қуйидаги хуқуқларга эга:

ўзининг электр қурилмаларини техник шартларга мувофиқ “Корхона” электр тармоқларига улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган энергия олиш;

энергия етказиб беришнинг тугатилиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Корхона”га истеъмол қиласидан энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин

10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

энергия тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган заарларни белгиланган тартибда қоплатиш;

қонун хужжатларига мувофиқ бир тарафлама тартибда шартномани бекор қилиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган суммани қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тугатилганда заарни қоплашни талаб қилиш;

Шартномани тузиш ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга ёки бўйсуниши бўйича юқори ташкилотга (мансадор шахсга) мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

##### 4.2. “Истеъмолчи” қуйидагиларга мажбур:

энергия истеъмол қилишни белгиланган режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳак тўлаш;

эксплуатация қилаётган электр тармоқлар, асбоблар, электр қурилмаларининг техник ҳолатини лозим даражада сақланишини, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда ҳавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, “Корхона”га электр асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

энергиядан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Корхона” ва “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг ёзма кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидаларининг талабларини бажариш;

белгиланган тартибда “Корхона”нинг тегишли вакилига ҳисоблагичларни кўришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун “Корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар турларининг) технологик жараёни эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритишга, иситишга, шамоллатишга энергия сарфини, шунингдек ушбу электр тармоқларига уланган суб “Истеъмолчи”ларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган “Истеъмолчи”:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини ҳисобга олиши ва “Корхона”нинг талабига кўра хабар қилиши шарт.

“Истеъмолчи” қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

##### 4.3. Корхона қуйидаги хуқуқларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган мажбуриятларни лозим даражада бажарилишини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганды ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр хўжалиги объектларида авариявий ҳолатлар мавжуд бўлганда “Истеъмолчи”ни электр курилмаларини ўчириш. “Истеъмолчи” томонидан шартнома шартлари бажарилмаганды ёки бузилганда “Истеъмолчи”ни электр тармоқлардан ўчириш, шунингдек ЭНҲАТга уланган ёки олдиндан тўлов курилмасига эга ҳисоблагичи бўлган “Истеъмолчи”ларни олдиндан тўлов тутагандан сўнг ўчириш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

“Корхона” ушбу шартномада кўрсатилган ҳолатлардан ташқари бўлган ўчириш оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. Корхона қуидагиларга мажбур:

уланган электр тармоқлар орқали “Истеъмолчи”га - электр тармоқларининг мансублик чегарасига шартномада белгиланган хажмдаги энергияни узлуксиз етказиб бериш;

курилмаларни, электр узатиш линияларини, ҳисоблагичларни эксплуатация қилиш, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек ўзининг электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлик электр таъминотидаги узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

енергия етказиб берилишидаги тўхташлар тўғрисида ва тўхташларнинг сабаблари тўғрисида “Истеъмолчи”га маълум қилиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган холда олдиндан хабар бериш;

“Истеъмолчи”нинг энергия етказиб берилмаганини ва электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги аризасини, “Истеъмолчи”дан ариза олинган кундан ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чиқиш, уларни бартараф этиш ва тўлақонли жавоб йўллаш;

“Истеъмолчи”га етказиб берилган энергия ҳисобини белгиланган тартибда олиб бориш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ беш кун муддатда энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, энергиянинг ойлик шартномавий ҳажмини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу ҳақда, рад этиш сабабларини кўрсатган холда “Истеъмолчи”га хабар қилиш;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган ҳисоблагичларни алмаштиришни, ўрнатишни ва уларга хизмат кўрсатишни, шунингдек уларни пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган энергия етказиб бериш.

“Корхона” қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

### V. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Мазкур шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаганды ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда, “Корхона” бунинг натижасидаги етказилган зарарни қоплашга мажбур, “Истеъмолчи” эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

#### 5.2. “Корхона”:

“Истеъмолчи” энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмаган, энергия истеъмолининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйган тақдирда, “Корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли энергия етказиб берилганлиги учун;

Захира манбайни автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликлии ўчиришларнинг ишлаш вақтида энергия етказиб беришдаги танаффуслар учун “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. “Истеъмолчи” енгилмас куч шароитлари (форс-мажор) мавжуд бўлгандағи ўчишлар ва бошқа ҳолатлар учун, “Корхона” “Истеъмолчи” олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Ушбу шартнома бажарилиши жараёнида юзага келадиган барча низолар ва келишмовчиликлар ўзаро музокаралар йўли билан амалдаги қонун, фармон, қарор, низомлар асосида тартибга солинади. Улар музокаралар йўли билан хал этилмаган тақдирда, судда ҳал этилади.

## VI. Якуний қоидалар

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабргача бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзgartiriшлар жорий ойда қўлланилмайди, балки кейинги ойдан кучга киради.

Бюджет ташкилотлари учун : Мазкур келишув тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб Газначилик органларида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласди

Шартнома муддати ўтиши билан, агар томонларнинг бирортаси уни муддатини узайтириш ёки бекор қилиш тўғрисида ариза бермаган бўлса, у кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади. Ариза шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолгунча берилиши керак.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Шартнома томонларнинг бирини ташабbusи билан муддатидан олдин бекор қилиниши иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор қилган холда, томонларнинг ўзаро ҳисобкитоб қилганлик шарти билан амалга оширилиши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида ҳабарнома ёзма равишда тақдим қилинади.

6.4. Барча ўзgartiriшлар ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишида бўлган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган бўлса хақиқидир.

## VII. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

“Истеъмолчи”:

Юридик манзили : Зарафшон шаҳар 11-кичик туман

Почта манзили : Зарафшон шаҳар 11-кичик туман, 210300

Ҳисоб рақами : 100022860124087109120141001

Банк коди (МФО) : 00014 (ИНН) : 200010171

Истеъмолчини юридик манзили бўйича кадастр номери : № 1712408/R-A1613178

Махалла номи : “Геолог” Маҳалла фуқаролар йигини

**Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялашириладиган**

**“Истеъмолчи”лар учун:**

Бюджет фонднинг ҳисоб рақами : 100022860124087109120141001  
Банк коди (МФО) : 0014 (ИНН) : 20001071

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисоб рақами \_\_\_\_\_

Банк коди (МФО) \_\_\_\_\_ (ИНН) \_\_\_\_\_

**Телефонлар:** (79) 210-70-11, (93) 434-39-99 **Факс:** \_\_\_\_\_  
(“Истеъмолчи” телефон ракамлари, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефони кўрсатилади)

**Статистик кодлар:**

ОКЭД \_\_\_\_\_

СООГУ \_\_\_\_\_

СОАТО \_\_\_\_\_

КФС \_\_\_\_\_

КОПФ \_\_\_\_\_

ОКПО \_\_\_\_\_

**Корхона:**

Почта манзили : Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Низомий кўчаси 22 уй

Ҳисоб рақами : 22 636 000 500 306 363 359

Банк коди (МФО) : 00207 СТИР (ИНН) : 200002553

Телефонлар : 79-573-35-05 Бошкарма : 79-224-88-91

Факс : 79-573-56-60 Бошкарма : 79-24-33-51

Статистик кодлар:

ДБИТ (СООГУ) : 01013

МИОБТ (СОАТО) : 1712401366

**Истеъмолчи**



**Корхона**

**«Навоий ХЭТК» АЖ бош директори**



Директори : Э.Х.Махмудов.

М.Ҷ.

Б.Х.Исломов :

ЭТК бошлиги : Д.Ш.Адизов

ЭТК хисобчиси : А.А.Мусаева

М.Ҷ.

Хукуқшунос хулосаси:

3. Исломов Э.Х. (имзо) Тимирзев И. (Ф.И.О)  
Узбекистон Республикаси  
“Хўжадик юритувчи субъектлар физолийтижий  
тадомномавози” тарбаси тўғрисидеб  
“Навоий ХЭТК” АЖ  
Хукуқшунос

Электр таъминоти шартномасига  
1 - илова

Етказиб бериладиган энергия ҳажми

1. Тариф гурухи : 41
2. Фаолият тури Бирдугесет.
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: \_\_\_\_\_ кВА (кВт)  
Техник шарт рақами № \_\_\_\_\_ санаси \_\_\_\_\_
4. Техник шартларга мувофиқ рухсат этилган қувват \_\_\_\_\_ кВт.
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) \_\_\_\_\_
6. Ҳисоб-китоб тури: \_\_\_\_\_  
тариф тури: табакалаширилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдаги ПП-3379 карори билан тасдиқланган рўйхат

бўйича маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тариф (кераклиси ёзилсин) (кераклиги ёзилсин)

7. Истеъмолчи жойлашган махалла ном \_\_\_\_\_

	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича		
Йил, жами	<u>6 000</u>			
Январь	<u>2 000</u>			
Февраль	<u>2 000</u>			
Март	<u>2 000</u>			
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Корхона бир кунда \_\_\_\_\_ соат, бир ойида \_\_\_\_\_ кун ишлайди.

Сменалар бўйича юклама тақсимоти (фоиз ҳисобида) I \_\_\_\_\_, II \_\_\_\_\_, III \_\_\_\_\_.

Имзолар:

Истеъмолчи

Зарафшон шаҳар Аҳоли бандлигига  
кўмаклашиш маркази

Директори: Э.Х.Махмудов.

M.У.



Корхона

«Навоий ҲЭТҚ» АЖ бош директори

Б.Х.Исломов:

ЭТҚ бошлиғи: Д.Ш.Адизов

ЭТҚ хисобчиси: А.А.Мусаева

ЭТҚ ЭЭОХ ва ТҚБ мұхандиси: \_\_\_\_\_



**Энергия ҳисоблагичлари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари**

Истеъмолчи ларни (субистеъмо лчиларни) Ҳисоблагич- лари ўрнатилган жойлар, кучланиш синфи (кВ) ва ҳисобга олиш асбоби тури кўрсатилган холда	Ҳисобга олиш асбоби тури  (актив, реактив), (номинал токи)	Ҳисобга олиш асбоби раками	Ҳисобга олиш асбоби клемма қопқоғидаги, пломбанинг номери		Ўлчов трансформат ор-ларининг трансформац ия коэффициент и		Ҳисоб-китоб коэффициенти	Шартно ма тузиш санасиг а ҳисобга олиш асбоби кўрсатк ичи	Тариф тури сум/  1 кВт.с.
			Корх она- нинг	ракам и	Ток	Куч ла- ниш			
					A	V			
ТП-111	Меркури 230	33009425	-	-	-	-			

Имзолар:



«Навоий ХЭТК» АЖ бош директори

Б.Х.Исломов : \_\_\_\_\_  
 ЭТК бошлиғи : Д.Ш.Адизов  
 ЭТК хисобчиси : А.А.Мусаева  
 ЭТК ЭЭОХ ва ТКБ мухандиси : \_\_\_\_\_

М.Ў.

Электр таъминоти шартномасига 3 - илова

**Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича  
ХИСОБОТ**

20 \_\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана «\_\_\_\_» 20 \_\_\_\_ йил.

Уланманинг номи, хисоблагичнинг завод номери, хисобга олиш тури (актив, реактив)	Хисоб-китоб коэффициенти			Хисоблагич кўрсатгиchl ари			Хисоблагич курсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с. кВАр.с.	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с.				
	ток трансформаторини нг (ТТ)	кучла-ниш транс-форматорини нг (КТ)	уму-мий	бошла-нгич	охирг и	Эрта-лабки			Кун	Кечки макси-мум	Тун		
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
Жами :													

Изоҳ: гр 7= гр 6- гр 5, табақалаштирилган хисоб учун назорат рақами гр 7= гр 9+гр10+гр11+гр12+гр13  
 гр 8 = гр 7\*гр 4



“Истеймолчи”

Директори:

Э.Х.Махмудов.

“Корхона” вакили

Ф.И.Ш.

Бош энергетик :

Ф. И. Ш.

Электр таъминоти шартномасига 4 - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

1. “Истеъмолчи”нинг балансида қуидаги электр қурилмалар мавжуд:

a) хаво линиялари \_\_\_\_\_

b) кабель линиялари \_\_\_\_\_

v) нимстанциялар, трансформатор нимстанциялари \_\_\_\_\_

2. “Истеъмолчи” ва “Корхона” ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича

mansublik chegarasi:

аниқланади.

3. Улардан қуидагиларга:

a) \_\_\_\_\_ хизмат кўрсатиш “Истеъмолчи” ходимлари томонидан,

b) \_\_\_\_\_ “Истеъмолчи” билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси томонидан амалга оширилади.

4. Электр қурилмаларнинг ҳолати ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қуидагича белгиланди:

**Имзолар:**

Зарафшон шаҳар Ахоли бандлигига  
кўмаклашиб маркази

Директори : Э.Х.Махмудов.  
M.Ў.

«Навоий ХЭТК» АЖ бош директори

Б.Х.Исломов : \_\_\_\_\_  
ЭТК бошлиғи : Д.Ш.Адизов  
ЭТК хисобчиси : А.А.Мусаева  
ЭТК ЭЭОХ ва ТКБ муҳандиси : \_\_\_\_\_

M.Ў.

Электр таъминоти шартномасига 5 - илова

**Энергия йўқолишларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА**

Энергия ҳисоблагичлар электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг мансублик чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги ҳисоблаш йўли билан аниқланган энергиянинг технологик (сарфи) йўқолишлари бу:

а) Куввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ фоизини, реактив энергия йўқолишлари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ фоизини ташкил этади;

б) »Истеъмолчи»нинг кабель линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ фоизни ташкил этади;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаво линияларидағи ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси \_\_\_\_\_ мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки 10 фоизни ташкил этади.

Жами ҳар ойлик энергия йўқолишлари ҳажми ҳисоб-китоб давридаги энергия сарфининг 10 фоизини ташкил этади.

**Вакиллар:**

**Зарафшон шаҳар Ахоли бандлигига  
қўмаклашниш маркази**

Директори : \_\_\_\_\_ Э.Х.Махмудов.

М.ў.



**«Навоий ХЭТК» АЖ бош директори**

Б.Х.Исломов : \_\_\_\_\_

ЭТК бошлиғи : \_\_\_\_\_ Д.Ш.Адизов

ЭТК хисобчиси : \_\_\_\_\_ А.А.Мусаева

ЭТК ЭЭОХ ва ТКБ муҳандиси : \_\_\_\_\_

М.ў

Электр таъминоти шартномасига 6 - илова

**Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими**

**1. Компенсация қурилмаларининг ўрнатилган қуввати**

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1	Автоматик ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2	Дастаки ростлаш билан: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВар (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (1б.+3б.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

ПРОДУКТЫРУУЛУУ МАКСАДЫН НАСАЛАРДАКИ АЛМАСТАРДА

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан		Шу жумладан тариф гурухлари бўйича	Кувват коэффиценти кўрсаткичи	
		Катта юкламал и соатларда 6-00дан 22-00 соатгача (кВАр.с)	Кичик юкламали соатларда 22-00дан 6-00 соатгача (кВАр.с)		Катта юклама ли соатлар да 6-00 дан 22- 00 соатгач $a \cos \varphi$	Кичик юклама ли соатлар да 22-00 дан 6-00 соатгач $a \cos \varphi$
Январь						
Февраль						
Март						
Апрель						
Май						
Июнь						
Июль						
Август						
Сентябрь						
Октябрь						
Ноябрь						
Декабрь						

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган кувват коэффицентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг ушбу шартномадаги миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффицентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади. Устама қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун қуидаги миқдорда аниқланади:

Актив энергиянинг хақиқий истеъмолидан кувват коэффицентининг шартномавий

қиймати натижаси бўйича аниқланадиган реактив-энергия реактив-энергия хақиқий иқтисодий қиймат доирасида истеъмолқилинганда 10%-актив энергиянинг хақиқий истеъмолидан ва қувват коэффицентининг шартномавий қиймати натижаси бўйича аниқланадиган реактив энергия реактив энергия иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ истеъмол қилинганда

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффицентининг норматив қиймати истеъмолчилар томнидан кўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, корхона томонидан белгиланган тартибда электр энергия йўқолиши қийматининг техник иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширади, шунингдек қувват коэффиценти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан расайтирилгани учун истеъмолчилардан кўшимча маблағлар ундиради.

Бунда, бу ҳисоблар ва қўшимча маблағларни ундириш “Истеъмолчи” томонидан қувват коэффицент кўрсаткичларини ҳисбот даврида шартномада кўрсатилган қийматдан пасайтирилгани тўғрисидаги “Ўздавэнергоназорат” инспекциясининг тасдиги мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалари истеъмолчи ягона электр энергетика тизими тармоғида электр тармоғининг катта юкламали соатда реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларда ягона энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчининг бундай режимда ишлаш зарурати шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат, солиги ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифининг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи

Зарафшон шаҳар Аҳоли бандлигига

кўмаклашиб маркази

Директори : Э.Х.Махмудов.

M.Ü.

Корхона

«Навоий ҲЭТК» АЖ бош директори

Б.Х.Исломов : \_\_\_\_\_

ҲЭТК бошлиғи : Д.Ш.Адизов

ҲЭТК хисобчиси : А.А.Мусаева

ҲЭТК ЭЭОХ ва ТҚБ муҳандиси : \_\_\_\_\_

M.Ü.

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича****ДАЛОЛАТНОМА**

Тузилди \_\_\_\_\_

“Истеъмолчи”нинг вакили иштироқида \_\_\_\_\_

Ягона электр энергетикаси тизимида узоқ муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда “Истеъмолчи” қуидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик бронь даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			

Жами: \_\_\_\_\_ кВт

\*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроксиз маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ускунанинг бузилиши, портлаш, ёнгин, заҳарланиш ва бошқа бахтсиз ходисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич \_\_\_\_\_ кВт  
II босқич \_\_\_\_\_ кВт  
III босқич \_\_\_\_\_ кВт  
IV босқич \_\_\_\_\_ кВт

2. \_\_\_\_\_ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узиб қуилади.

T/p №	Авария бронига тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			

Жами : \_\_\_\_\_ кВт


\* а) Юклама остида ўчирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиши тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар ҳамда кўриқлаш ёритиш тизими қолдирилади.

б) Авария бронига захирадаги ёнфинга қарши насослар ва бошқа ёнфинга қарши агрегатлар тааллуқли эмас. (ушбу агрегатлар, керак бўлишига қараб, олдиндан “Корхона” билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилиши мумкин).

Истеъмолчи

Зарафшон шаҳар Аҳоли бандлигига  
кўмаклашиш маркази

Директори : \_\_\_\_\_ Э.Х.Махмудов.



М.ў.

Корхона«Навоий ҲЭТК» АЖ бош директори

Б.Х.Исломов : \_\_\_\_\_

ҲЭТК бошлиғи : \_\_\_\_\_ Д.Ш.Адизов

ҲЭТК хисобчиси : \_\_\_\_\_ А.А.Мусаева

ҲЭТК ЭЭОҲ ва ТҚБ муҳандиси : \_\_\_\_\_

М.ў.